Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ КЕНГАШИНИНГ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1928 ЙИЛ 11 ДЕКАБРДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

№ 233 (9879).

1990 йил 6 декабрь пайшанба

Баҳоси 3 тийин.

ЖУРНАЛИСТЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

М. С. Горбачев бутун ҳафта давомида ССЖИ Олий Кенгашининг ишлари билан банд бўлади, ҳафтанинг охирида Япония савдо-саноат доиралари гуруҳи билан учрашуви кўзда тутилган. 4 декабрь куни ССЖИ Президентининг ёрдамчиси, Президент матбуот хизматининг раҳбари В. Н. Игнатенко журналистларга ана шуни маълум қилди.

ССЖИ Президентининг топшириғига биноан Нобель Тинчлик мукофоти топширилиши маросимига Ослога ССЖИ Ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари А. Г. Ковалев жўнаб кетиши ҳам маълум қилинди. М. С. Горбачев Нобель мукофоти лауреатининг анъанавий лекциясини келгуси йил баҳорида ўқишни мўлжалламоқда.

Журналистлар берган бир қанча саволлар В. В. Бакатинга тааллуқли бўлди. Президент матбуот хизматининг раҳбари мамлакат бошқарувининг бир қанча давлат муассасаларига даҳлдор жуда катта структуравий ўзгаришлар арафасида турганлигини, бу эса кадрлар соҳасида ҳам катта ўзгаришларга олиб келишини ва В. В. Бакатин бунда муносиб ўрин эгаллашини айтди.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССЖИ ОЛИЙ КЕНГАШИ РАЁСАТИНИНГ МАЖЛИСИ

5 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раёсатининг мажлиси бўлди. Мажлисни Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раиси М. И. Иброҳимов бошқариб борди.

Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги вазирлар маҳкамаси раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов иттифоқ шартномаси лойиҳаси муҳокамасининг якунлари, Ўзбекистон ССЖ Президенти ҳузуридаги вазирлар маҳкамаси, Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг қўмиталари, Қорақалпоғистон МССЖ вазирлар кенгаши, халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар кенгашлари раёсатлари, меҳнат жамоалари, олимлар, айрим фуқаролар тақдим этган мулоҳазалар, таклифлар ва қўшимчалар тўғрисида ахборот берди.

Бўлиб ўтган фикрлашувда Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши бир қанча қўмиталарининг раислари иштирок этдилар.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгашининг Раёсати умумлаштирилган мулоҳазалар ва таклифларни маъқуллади ва уларни ССЖИ Олий Кенгашига юборишга қарор қилди.

Ўзбекистон ССЖ Олий Кенгаши Раёсатининг мажлисида Ўзбекистон ССЖ Президенти, Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби И. А. Каримов нутқ сўзлади.

(ЎзТАГ).

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси комиссияларида

5 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон Компартиясининг «Сиёсий ва иқтисодий мустақиллик, маънавий янгиланиш, ижтимоий адолат ва Ўзбекистон аҳолисининг муносиб турмуш шароити учун» Ҳаракат Дастури лойиҳасини ишлаб чиқувчи Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси тайёргарлик комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлисда эълон қилинган лойиҳа юзасидан партия қўмиталарига, оммавий ахборот воситаларига тушган мулоҳазалар ва таклифлар кўриб чиқилди. Ана шу мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олиб эълон қилинган лойиҳага тузатишлар ишлаб чиқилди.

Шу куни Ўзбекистон Компартияси Устави лойиҳасини ишлаб чиқувчи тайёргарлик комиссияси ҳам мажлис ўтказди. Ушбу комиссия ҳам мазкур ҳужжат юзасидан тушган барча мулоҳазаларни кўриб чиқди.

Барча тузатишлар Ўзбекистон Компартияси съездининг муҳокамасига киритилади.

Марказий Қўмита ва Марказий назорат-тафтиш комиссияси аъзолари мақомининг лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди. Лойиҳа Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси пленумининг муҳокамасига тақдим этилади.

(ЎзТАГ).

ЮКСАК УНВОН МУБОРАК!

СОВЕТ СОЦИАЛИСТИК ЖУМҲУРИЯТЛАРИ ИТТИФОҚИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ М. ҚАЮМОВГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Совет кино санъатини ривожлантиришдаги жуда катта хизматлари ва самарали жамоат фаолияти учун Ўзбекистон ССЖ илмий оммабоп ва ҳужжатли фильмлар киностудиясининг кинорежиссёри Малик Қаюмовга Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиб, Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медали топширилсин.

Совет Социалистик Жумҳуриятлари Иттифоқининг Президенти М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1990 йил 5 декабрь.

ТАСС АХБОРОТИ

ОРБИТАДА ТУТАШТИРИЛДИ

СОВЕТ-ЯПОНИЯ ЭКИПАЖИ «МИР» СТАНЦИЯСИДА

1990 йил 4 декабрь куни Москва вақти билан соат 12 дан 57 минут ўтганда «Союз ТМ-11» космик кемаси учувчи бошқарадиган «Мир» комплекси билан туташтирилди. Ер атрофи орбитасида Геннадий Манаков, Геннадий Стрекалов, Виктор Афанасьев, Муса Манаров ва япон космонавти Тойехиро Акиямадан иборат халқаро экипаж иш бошлади.

Биргаликдаги учиш чоғида илмий-техникавий ва тиббий-биологик тадқиқотлар режасини бажариш, саккизинчи асосий экспедиция экипажига, навбатни топшириш назарда тутилган. Япон журналисти орбитадан бир туркум телевизион ва радиорепортажлар олиб боради, шунингдек бир қанча илмий тажрибалар ўтказади.

ССЖИ Президенти М. С. Горбачев «Мир» орбитал илмий-тадқиқот комплексининг халқаро экипажига табрик йўллади. Биринчи Совет-Япония космик экипажининг парвози, дейилади табрикда, ёқин воқеа бўлиб, икки томонлама ҳамкорликнинг янги босқичи бошланганини билдиради, Совет Иттифоқи билан Япония халқлари ўртасидаги ҳамжиҳатликни, дўстлик ва ишончни мустаҳкамлаш ишига салмоқли ҳисса қўшади.

10 декабрь куни Геннадий Манаков, Геннадий Стрекалов ва Тойехиро Акияма «Союз ТМ-10» кемасида Ерга қайтиб тушадилар, Виктор Афанасьев билан Муса Манаров эса «Мир» илмий-тадқиқот комплексидаги ишларни давом эттирадилар.

Парвоз белгиланган режага мувофиқ ўтмоқда. Барча беш нафар космонавт соғ-саломат, улар ўзларини яхши ҳис этишмоқда.



+ + +

Тошкент Давлат дорилфунунининг тиббиёт полимерлари лабораториясида халқ хўжалиги учун катта самаралар берадиган тадқиқотлар олиб борилмоқда. Суратда: лаборатория мудири А. Каримов талабалар З. Баниева ҳамда Ф. Рисқуловалар билан тажриба жараёнида.

Суратқаш С. МАҲҚАМОВ.

+ + +

Муҳарририятга хат

САРСОН-САРГАРДОНЛИК

ХАЛҚИМИЗДА «йўл азоби — гўр азоби» дейишади. Ҳақ гап. Мени ҳам рўзномага ушбу мактубни йўллашга ана шу йўл азоби мажбур қилди. Гап шундаки, бир неча йилдан буён Оҳангарон ноҳиясидаги Серго (эски С. Раҳимов) давлат хўжалиги ҳудудидаги Большевик ва Киров қишлоқларида яшовчи аҳоли транспорт қатновининг ёмонлигидан жуда қийналмоқда.

Тўғри, хўжаликка Ангрен-Серго маршрути бўйича автобус юради. Лекин бу автобус хўжалик фермаси жойлашган ерга келиб худди трамвай изидан чиқа олмагани каби тақа тўхтайди. Мен юқорида айтиб ўтган қишлоқларга етиш учун яна камида икки чақирим йўлни босиб ўтиш керак. Шоферларга бу ҳақда айтсангиз, «у ёғига рухсат йўқ, йўлларнинг асфальтланмаган», деб жавоб беришади. Тўғри, кўча асфальт қилинмаган, лекин шағал солиниб, текис қилиб шиббаланган. Енгил машиналар ҳам бемалол қатнаб турибди. Наҳотки, бу ердан автобус юра олмаса. Қолаверса, йўл баҳона бўлса, нега энди Ангрен—Чувилдоқ маршрути бўйича қатновчи худди шу — Ангрен автобус паркига қарашли автобуслар ярми шағал, бизникидан ҳам нотекис йўлдан мунтазам қатнаяпти. Хуллас, ҳамқишлоқларим ҳамон транспортга ёлчишмаяпти.

Қолаверса, Большевик, Киров қишлоқларининг деҳқонлари ҳам Ангрен шаҳри меҳнаткашларини сара картошка, сабзи-пиёз, мева ва полиз маҳсулотлари билан тамъинлаяпти-ку. Наҳотки, автокорхона раҳбарияти бунга бефарқ қараса.

А. ЕРМАТОВ,
Оҳангарон ноҳиясидаги Большевик қишлоғи.

ШОИР НОМИ БЕРИЛДИ

ТАНИҚЛИ ўзбек шоири ва ёзувчиси Юсуф Шомансур 42 йилгина умр кўрди, холос. Шу қисқа умрининг чорак асри давомида у ёниб ижод қилди. Юсуф тўғри сўз, чўрткесар, ҳақиқатгўй, виждон амри билан иш тутувчи шахс эди.

Тошкент шаҳрининг С. Раҳимов ноҳиясидаги 11-мактабда Юсуф билан ўн йил бирга ўқидик. Унинг илк шеърлари мактабдалигидаёқ матбуот юзини кўрди. У пионерлар саройида машҳур шоир Ғайратий раҳбарлик қилган ёш қаламкашлар тўгарагида қатнашди. Эркин Воҳидов, Ҳайриддин Салоҳ, Сайёр, Анвар Эшонов, Анвар Исроилов, Тўлқин каби адабиётимизга салмоқли улуш қўшган шоир ва ёзувчилар ҳам шу тўгаракда етишиб чиққан ва улар Юсуфнинг дўстлари, шеърларининг биринчи тингловчилари, биринчи маслаҳатчилари ва биринчи танқидчилари ҳам эдилар.

Синфимиз адабиёт оламида бўлаётган янгиликларни Юсуфдан эшитарди. Адабиёт муаллимларимиз Раҳимжон Усмонов, Фахриддин Нуриддиновлар Юсуфнинг шоир сифатида шакланишига ўз ҳиссаларини қўшишган. Раҳимжон акага Юсуф ўз шеърларини ўқиб берар, маслаҳатларини оларди. Унинг биринчи тўплами Ёзувчилар уюшмасида муҳокама бўлганда синфимиздаги кўпчилик унга елкадош бўлиб туриш учун уюшмага борганмиз.

Юсуф Тошкент Педагогика олийгоҳини тугатиб, кўп йиллар давомида «Шарқ юлдузи» журналида ишлади. Москвада, ССЖИ Ёзувчилар уюшмаси қошидаги Олий адабиёт курсида таҳсил олди.

Юсуф Шомансур қалами буюк Мақсуд Шайхзода ижодий мактабида чархланди, жилоланди. Шайхзода мактабининг муносиб вакили — шайхона фикрлаш, шайхона оҳанг Юсуф шеърларида барқ уриб туради... У Мақсуд Шайхзода ижодини таҳлил қилди, устози ижоди Юсуф Шомансур илмий ишларининг, диссертациясининг мавзуси эди... Ўғилларидан бирига ҳам Мақсуд деб исм бериши бежиз бўлмаган... Шоир ўндан ортиқ шеърий тўпламлар, «Қора марварид» романи, «Ёр қайрилиб боқмади» пьесасининг муаллифидир. Унинг қўшиқларини таниқли хонандалар куйлашган, Тўпламлари Москвада, рус тилида ҳам чоп этилган.

Ю. Шомансур шеърият оламига энди кириб келаётган ёш қаламкашларга ҳам ниҳоятда ғамхўр, меҳрибон бўлган. Шоир Шавкат Туроб бу ҳақда шундай деган эди: «Юсуф ака қўлига илк бора қалам олган, қалбида шеъриятга, адабиётга ошуф талик умиди ниш урган қаламкашлардан ҳам ёрдамини аямасди. У кўплаб тенгдош қаламкаш дўстларимнинг қалбига умид учқунини сола билган устоз шоир эди десам, янглишмаган бўламан».

Юсуф Шомансурнинг «Тошкент» совхозидаги ҳовлисига биз синфдошлар тез-тез бориб турардик. Боғ этагидан икки тегирмон сувли ариқ ўтарди. Ариқ устига 4—5 тахта ташлаб, ихчамгина сўри қилинган, боғга сув чархпалак ёрдамида чиқарилар эди...

— Ҳа дўстим, чархпалакка маҳлиё бўлиб қолдинг. Унинг турган-битгани риёзиёт деб ўйласанг керак-ов...

— Ҳа, дедим. Чархпалак — риёзиёт масалалари тўплами. Унинг ҳаракати анчайин мураккаб тенгламалар билан ифодаланади...

— Йўқ, чархпалак мени фалсафий мушоҳадаларга ундайди. Чархпалак кўзаси баландда-пастда, пастда — баландда... Унда сув йўқ, сув бор; сув бор, сув йўқ... Қанча баландда бўлса ичи шунча бўш, қанча пастда бўлса ичи шунчалик тўла, Даврийлик, даврийлик... Аммо ариқдаги сув бу ҳолга писанд қилмай ўз маромида қўшиғини айтиб оқяпти... Ўзбегим от қўйишга уста — битта чархпалак сўзи билан бир дунё фалсафани, бир дунё воқеани айтган-қўйган... О, доно халқим-ей, доно халқим...

Ҳар бир шоир ўз шеърлари умри ўз умридан узун бўлишини орзу қилади. Юсуфнинг шеърлари шундай бўлиб чиқди, уларнинг умри боқий, улар эл-юртга завқ-шавқ бағишлаб, кишиларни тўғриликка, адолатга чорламоқда. У бир шеърида ёзганди:

Ўлим-ку
ҳеч гапмас,
эскирмоқ ёмон,
Шеърнинг эскирмоғи айниқса!

Йўқ, Юсуфнинг шеърлари, қўшиқлари эскирмайди, улар шу кунларда шоир ўқиган 11-мактабда яна бир бор янгради. Бу мактабга Юсуф Шомансур номи берилди. Ёдгорлик лавҳаси ўрнатилди. Бу маросимга шоирнинг дўстлари, синфдошлари, муаллимлар йиғилишди. Юсуфнинг шеърлари, ашулалари айтилди. Унинг портрети остига гуллар қўйилди.

Шоир туғилган кунининг 50 йиллигига унинг «Мен ўтқазмаган дарахтлар» тўплами чоп этилди. Юсуфнинг ана шундай сарлавҳали шеъри ҳам бор, шоир бу шеърини алоҳида меҳр билан севарди, мароқ билан ўқиб берарди:

Ҳали экилмаган дарахтлар,
ҳуллас,
Шовиллаб турибди ҳаёл
уфқида.
Ҳали кўкармаган ниҳол
ишқида
Қайғуриб яшамоқ
одамзодга хос.

Мирфозил МИРЗААҲМЕДОВ.

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

ҒАРБНИНГ СОВЕТ ИТТИФОҚИГА ЁРДАМИ

ЖАҲОН ахборот воситалари Совет Иттифоқи иқтисодиёти қийин аҳволга тушиб қолганлиги муносабати билан унга ёрдам беришга тараддуд кўраётган Ғарб мамлакатлари азму қарорлари ҳақидаги кўплаб хабарларни босиб чиқармоқдалар.

13 декабрь куни Римда Оврупо Иқтисодий Ҳамжамияти олий даражадаги раҳбарларининг учрашуви бўлиб ўтади. Унда ССЖИга иқтисодий ёрдам кўрсатиш лойиҳаси муҳокама қилиниши лозим. Тахминларга қараганда, бу учрашувда Совет Иттифоқига 20 миллиард долларлик ёрдам кўрсатиш хусусида гап боради.

Италияда ССЖИга иқтисодий ёрдам кўрсатиш истиқболларини белгиловчи масала муҳокама этилмоқда. Яқинда Италия томонидан Совет Иттифоқига 900 миллион доллар қарз берилганлиги эълон қилинди.

Германия, Франция, Буюк Британия, Испания, Австрия, Финляндия, Норвегия, Греция, Канада, Австралия, Япония, ҳукуматлари ҳам Совет Иттифоқига турли-туман соҳаларда ёрдам бериш масалалари устида бош қотирмоқдалар.

БМТ ҚАРОРИДАН СЎНГ

БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти Хавфсизлик Кенгашининг 678-қарори эълон қилинганидан сўнг Ироқ томони дарҳол унга муносабат билдирди. Куни кеча Ироқ раҳбарияти янги баёнот эълон қилиб, агар Америка Қўшма Штатлари ҳамда Саудия Арабистони ҳудудида йиғилган кўп миллатли кучлар Ироққа ҳужум қилгудек бўлса, уларнинг ўзлари, шунингдек, улар келган мамлакатлар ер билан яксон қилинади, деб таҳдид солди. «Индженшин газетт» рўзномасининг хабарига қараганда, Ироқда «ер-ер» тонфасидаги оператив-тактик ракета синовлан ўтказилганидан сўнг Ироқ юқоридаги баёнотни эълон қилди.

СОВЕТ ФУҚАРОЛАРИГА РУХСАТ ЭТИЛДИ

ИРОҚ Инқилобий Қўмондонлик Кенгаши Ироқда ишлаб турган 3300 нафар Совет фуқароларига ўз ватанларига қайтиб кетиш учун рухсат берилажаклиги тўғрисидаги қарорини эълон қилди. Ироқ инқилобий қўмондонлиги кенгаши вакилининг гапларини келтирган ИНА ахборот агентлиги юқоридаги хабарни тарқатди. Совет фуқароларининг жўнаб кетиши бугун-эрта бошланиши мумкин. Аммо вакил ҳар икки мамлакат ўртасидаги шартномаларнинг бузилиши хусусидаги масъулият Москва зиммасига тушади, деб айтди.



ФОРС кўрфази минтақасида уруш чиқиш хавфи кундан-кунга кучайиб бормоқда. АҚШ ҳамда унинг иттифоқчиси бўлган мамлакатлардан бу ерга ҳамон кўплаб қурол-аслаҳалар келтирилмоқда. Суратда: Италия ҳарбий-денгиз кучлари кемалари Форс кўрфазида.

АНСА — ТАСС СУРАТИ.

Х. ЭРШОД ЁН БОСДИ

БАНГЛАДЕШ пойтахти Даккада ҳамон снёсий вазият қалтис бўлиб турибди. Куни кеча мамлакат президенти Х. М. Эршоднинг радио ва телевидение орқали сўзлаган нутқи эълон қилинди. Х. М. Эршод ҳокимиятдан воз кечиш тўғрисида бир тўхтамга келганлигини айтди.

Янги президент сайловларини келгуси йил июнь ойида ўтказиш мўлжалланмоқда. Унда Х. М. Эршод ҳам иштирок этиш нияти борлигини айтди.

ИСЁН БОСТИРИЛДИ

ҲАРБИЛАР исёни душанба куни саҳар пайти бошланди. Бир гуруҳ ҳарбийлар қуруқликдаги қўчлар штабини ҳамда пиёда аскарлар полкларидан бирининг қароргоҳини босиб олдилар. Бу воқеалар бевосита президент саройига яқин жойда бўлиб ўтди. Пойтахт маркази томон юриб келаётган танклар кўчаларда тўс-тўполон чиқардилар, йўловчилар тушган автобуслар билан тўқнашиб кетдилар. Одамлар ҳалок бўлди. Танклар самолётлар зарбасидан сўнг орқага қайтдилар.

Вазиятни тез пайқаган президент К. Менемга содиқ қўшинлар исёнчиларнинг пайини қирқдилар. Кўпгина манбалар исёнга истеъфодаги полковник Мохамед Али Сейнельдин раҳбарлик қилган бўлиши мумкин, деб тахмин қилмоқдалар. Шу тариқа ҳарбий тўнтаришга йўл очиш мумкин бўлган ҳуружнинг олди олинди. Аргентина пойтахтида ва бошқа шаҳарларда осойишталик секин-аста изга тушмоқда.

Волга соҳилларининг қўшиқлари

ТОШКЕНТДАГИ ССЖИ Халқлар дўстлиги саройида икки оқшом сурункасига Волга соҳилларининг қўшиқлари ва оҳанглари янгради. Уларни Татаристонда хизмат кўрсатган артист Ҳамдуна Тимергалиева билан «Сафар» чолғу ансамбли ижро этди. Қозонлик санъат устаталарининг Ўзбекистондаги сафари ана шу концертлар билан ниҳоясига етди.

Хонанда жумҳуриятимизга бешинчи марта келди. Унинг, Сайланма қўшиқлар» номи билан аталган бу галги дастурига тингловчилар севиб қолган ўтмиш йилларнинг қўшиқлари, шунингдек Татаристон бастакорларининг янги асарлари киритилган эди. Ҳамдуна мамлакатимиз бўйлаб кўп сафар қиладиган иттифоқимизнинг турли гўшаларида яшаётган татарларнинг халқ оғзаки ижоди намуналарини аввалдо тўплайди. Ана шу қўшиқлар ҳам унинг концертидан ўрин олди.

Ҳамдуна Тимергалиеванинг Ўзбекистонга сафари биринчи эмаслигини юқорида айтган эдик. Лекин Илҳом Ҳамидуллин учун бу ўзбек диёрига дастлабки ташриф бўлди. Томошабинлар ёш артист, хонанда, мусиқачи, суҳандон, қувноқ ҳажвиялар муаллифини самимий кутиб олдилар.

(ЎзТАГ).

Маданият хабарлари

ҚОРИЁҚУБОВГА ЁДГОРЛИК ЎРНАТИЛДИ

ТОШКЕНТ шаҳрининг Форобий кўчасидаги қабристонда, Ўзбекистон халқ артисти Муҳиддин Қориёқубов қабри устига шу маданият арбобининг ҳайкали ўрнатилди. Ушбу воқеа муносабати билан артистнинг қариндош-уруғлари ва ёр-биродарлари, дўстлари, ижодий зиёлиларнинг вакиллари бу ерга келдилар.

Улар машҳур санъаткор ҳақидаги хотираларини эсладилар. Ўзбек халқининг бадиий маданиятида алоҳида ўрин эгаллаган бу инсоннинг ёркин қиёфаси кишилар кўз ўнгида яна бир бор намоён бўлди. Қориёқубов мусиқа ва опера театрининг асосчиси сифатида, атоқли актёр, хонанда, янги қўшиқчилик мактабининг бошловчиси сифатида тарихга кирган. Қориёқубовнинг 20—30-йиллардаги жўшқин фаолияти жумҳуриятимизда мустақил концерт ташкилотини юзага келтириш учун замин тайёрлади. Ўзбекистон филармониясига унинг асосчиси номи берилганлиги ҳам тасодифий эмасдир.

(ЎзТАГ).

ЧЕТ ЭЛЛАРДА

МАМЛАКАТЛАР • ОДАМЛАР • ВОҚЕАЛАР

КОММУНИСТЛАРНИНГ ФИКРИЧА

— Жамоамиз аъзолари билан биргаликда лойиҳани баҳамжиҳат кўриб, ўрганиб чиқдик ва уни бўлажак Устав учун асос қилиб олса бўлади деган фикрга келдик,— дейди Тошкентдаги «Орзу» чарм-атторлик ва спорт буюмлари бирлашмаси партия қўмитаси котиби Ниғмат Ғиёсович Олимжонов.—Шу билан бир қаторда бирлашмамиз коммунистлари эълон қилинган лойиҳа ҳали тўкис эмас, унга баъзи аниқликлар, тузатишлар ва тўлдиришлар киритиш керак деб ҳисоблайдилар.

Масалан, лойиҳанинг «Ўзбекистон Коммунистик партияси ва КПСС» деб номланган 1 қисмининг 2-бандини олайлик. У «Ўзбекистон Коммунистик партияси КПССнинг марказий органлари таркибига ўз вакилларини тавсия қилади, шунингдек зарурат туғилган тақдирда уларни шу органлардан чақириб олади жумласи билан бошланади. Бизнингча, бу ерда «зарурат туғилган тақдирда» деган сўзлар ноаниқ бўлиб қолган. Буни қандай тушунмоқ керак? Вакилларимиз жумҳурият манфаатларини ҳимоя қилмай қўйгандами ёки бошқа бирор ҳоллар назарда тутилаяптими? Уставни ўқиган одам шу саволларга тўлиқроқ жавоб олса дуруст бўларди.

Шу бўлимнинг 4-бандида қуйидаги жумлалар ёзилган: «КПСС Марказий Комитети Компартиянинг мустақиллигини камситадиган ёки жумҳурият манфаатларига зид келадиган қарорлар қабул этган тақдирда, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми бу қарорни ижро учун қабул этмай, низоли масалаларни КПСС Марказий Комитетининг Пленуми ёки КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг қўшма пленумида кўриб чиқишни талаб қилиши мумкин». Хўш, бу талаб қондирилмасачи? Унда нима бўлади? Фикримизча, мазкур жумла ниҳояси қуйидаги таҳрирда берилиши лозим: «..низоли масалаларни Марказий назорат комиссияси пленумида кўриб чиқиш талаб қилинади. Талаб қондирилмаса, КПСС Марказий Комитетининг ушбу қарорини қўлланмаслик ҳақида бир ёқлама қарор қабул қилинади».

Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави лойиҳаси муҳокамада

6-бандда зарур ҳолларда коммунистлар референдуми ўтказиш ҳақида фикр юритилади. Аммо, у қандай қилиб, қай тартибда ўтказилиши ҳақида айтилмаган. Бирнинги жумлада референдум ўтказиш тартиблари очиб берилса чакки бўлмасди.

«Ўзбекистон Коммунистик партиясининг аъзолари» деб номланган II бўлимнинг 7-бандида «Жумҳуриятга ишлаш, ўқиш ёки яшаш учун келадиган ҳар бир КПСС аъзоси партия ҳисобига ўтганидан кейин Ўзбекистон Компартиясининг аъзоси бўлиб қолади» деган сўзлар ҳам назаримизда сал мужмалроқ. Ахир, иш ва ўқиш муддатлари ҳам ҳар хил бўлади-да! Бир йил ишлаш ёки бир ой ўқиш учун келганларни ҳам Компартиямизга аъзо қилиб оларсак партиянинг обрўси қоладими? Бизнингча юқоридаги жумланинг бошланиш қисмини «Жумҳуриятга доимий яшаш ва ишлаш ёки узоқ муддатли ўқиш учун келадиган...» деган таҳрирда бермоқ мақсадга мувофиқ. Бундан ташқари айнан шу бандга Ўзбекистон Компартиясининг аъзолари бошқа жумҳуриятга чиқсалар ёки чет элларга борсалар қандай тартибга амал қилишлари лозимлиги ҳақидаги қоида киритилса яхши бўларди.

Ушбу бўлимнинг 10-бандида «Партияга кирувчи учун бошланғич партия ташкилотининг таклифига биноан бир йилгача синов муддати, шунингдек партия аъзоларидан икки кишининг кафиллиги белгилаб қўйилиши мумкин», деган сўзларни ўқиймиз. Бизнингча, бу ўринда «мумкин» деган сўзнинг ишлатилиши ножоиз. Зеро, у ҳар хил маънони англатади. Ўрнига «керак» деб ёзиб қўйилиши лозим ва «истисно тариқасида шу меҳнат жамоасида кўп йиллардан бери ишлаб келаётган ёки бошланғич партия ташкилоти аъзолари ҳулқ-атворини яхши биладиган шахсларнигина партияга синов муддатисиз қабул қилиш мумкин» деб қўшиб қўйилиши даркор.

Мазкур банддаги «Партия аъзолигига қабул қилиш тўғрисидаги қарор бошланғич партия ташкилотининг йиғилишида қабул қилинади ва мазкур ташкилот ҳисобида турувчи коммунистларнинг ярмидан кўпроғи ёқлаб овоз берган тақдирда шу қарор ҳақиқий деб ҳисобланади», деган жумлада «ярмидан кўпроғи» сўзлари «учдан икки қисми» деб алмаштирилса дуруст бўларди.

Лойиҳада тилга олинган «КПСС ветерани» фахрий унвонини партияда камида 30 йил эмас, балки 25 йил фаол ишлаган коммунистга берилиши тарафдоримиз. Шу билан бирга, бу унвон соҳиби кўксига фақат нишон қадаш билан кифояланмай балки уни моддий рағбатлантириш, баъзи имтиёзлар бериш йўлларини излаб топиш, кекса коммунистларга ғамхўрлик қилиб туришни ноҳия партия ташкилотлари зиммасига юклаб қўйилишини истардик.

«Ўзбекистон Коммунистик партиясининг пул маблағлари ва мол-мулки» деб номланган VI бўлимнинг «Вариант» қисми бизга маъқул тушди.

Лойиҳани муҳокама қилиш чоғида ташкилотимиз аъзолари яна бир фикрни ўртага ташладилар: одатда янги Устав қоидаларини шарҳлаб берувчи йўриқномалар лойиҳалари анча кечикиб, 5—6 ой кейин чиқади. Бу гал бунга йўл қўйилмасдан, улар ҳам кетма-кет матбуотда чоп этилса. Ўйлаймизки, бирлашмамиз партия ташкилотининг аъзолари билдирган бу фикрлар, мулоҳазалар албатта инобатга олинади.

У. АБДУШОҲИДОВ.

● АНАТОЛИЙ Григорян Тошкентдаги фурнитура—пластмасса буюмлари заводининг илғор ишчиларидан. У бир неча йилдирки, шу корхонада токарлик касбини ардоқлаб келмоқда. Ҳозирда Анатолий келгуси йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Суратқаш Т. КАРИМОВ.

*

«НАВРЎЗ»нинг катта ишлари

ОДАТДА кооператив деганда кўз олдимизга дарҳол мўмай даромад кетидан қувадиган, кўча-кўйда ўта қиммат нархда озиқ-овқат ёки давлат корхоналари ишлаб чиққан матоларга арзимаган ўзгариш қилиб, ана шу молнинг нархини бир неча баробар ортиғига сотаётган ташкилот келади. Шунинг учун бўлса керак, халқнинг улардан жуда тез кўнгли қолди, ҳафсаласи пир бўлди.

Очиғи, «Наврўз» кооператив фирмаси тўғрисида эшитганимда ҳам хаёлимдан ана шу фикрлар ўтганди. Аммо фирма ишлари билан танишар эканман, агар кооператив ҳаракати тўғри ташкил этилса, уни ҳақиқий ишбилармон, зукко раҳбарлар бошқарса аҳолига жуда катта наф келтириши мумкинлигига ишонч ҳосил қилдим.

Сабаби мана бир йилдан буён Тошкент ёғ-мой комбинати қошида фаолият кўрсатаётган «Наврўз» кооператив фирмаси бошқалар қатори озиқ-овқат эмас, халқимизнинг эҳтиёжи учун зарур бўлган совун ишлаб чиқармоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ жумҳуриятимиздаги бир қатор касалхоналар, боғчалар, болалар уйларида «Наврўз» фирмаси тамғаси билан тайёрланган совунни учратиш мумкин. Унга бўлган талаб кун сайин ортиб бормоқда. Келгусида фирма ўз фаолиятини янада кенгайтиришни режалаган.

Биз фирма директори —иқтисодчи, халқ депутатлари Калинин қўрғон Совети депутати Шамсиддин Хўжаев билан ана шулар ҳақида суҳбатлашдик.

— Шамсиддин ака, аввало фирманинг тузилиш тарихи ва ишлаб чиқариш фаолияти тўғрисида тўхталсак.

— 1989 йилда Тошкентда «ПАВ» деб номланган илмий-ишлаб чиқарувчи кооператив тузилди. Мен ҳам мана шу кооперативда меҳнат қилардим. Кейинчалик унинг қошида «Наврўз» фирмасини ташкил этдик. Бу ўз-ўзидан вужудга келмади албатта. Совун ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалаларни ўрганиб чиқдик. Олимлар, мутахассислар билан маслаҳатлашдик. Совун, ёғ-мой бўйича мутахассис, техника фанлари номзоди Равшан Раҳмонқулов янги маҳсулот ишлаб чиқаришда асосий роль ўйнади дейиш мумкин. Хуллас, ташкилий масалалар ҳал бўлгач Тошкент ёғ-мой комбинати директори Азамат Жамолов бизни қўллаб-қувватлади. Корхона қошида фирмага жой беришди.

Совун ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган ускунани ҳам ўзимиз ясадик. Янги технология билан ишлайдиган машинани ясаш учун бор-йўғи икки ой сарфладик. 1989 йилнинг август ойидан бошлаб совун ишлаб чиқармоқдамиз. Ҳозиргача минг тоннадан ортиқ маҳсулот сотдик.

— Одатда аҳоли кўпгина кооперативлар ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг сифатсизлигидан нолишади. Бунинг устига улар жуда қиммат нархда сотилади. Очиғини айтиш керак. Аслида бу ҳақ гап. Шундай экан, «Наврўз» фирмасининг тайёрлаган совунининг сифати, нархи, талабга жавоб беряптими!

— Фикрингизга юз фоиз қўшиламан, биз иш бошлаган кунданоқ ана шунга йўл қўймаслик учун ҳаракат қилдик. Тайёрланаётган совуннинг сифатига келганда унинг давлат корхоналарида тайёрланаётганига нисбатан деярли фарқи йўқ. Буни ҳозиргача биронта ташкилотдан эътироз келмаганлиги ҳам исботлаб турибди.

Мен юқорида биз совунни янги технология бўйича ишлаб чиқараётганлигимизни айтдим. Унинг фарқи нимада? Агар ёғ-мой комбинатларида совун ишлаб чиқариш учун етти хил модда ишлатилиб, бу қоришма қозонда 48 соат қайнатилиб, сўнг тайёрланаётган бўлса, биз уч хил модда аралашмасини 8—10 соатда совун ҳолида тайёрлаб чиқаряпмиз. Фақат бизнинг совунимиз ҳеч қандай полиэтилен идишларга ва металлдан ишланган идишларга жойлаштириб, истеъмолчиларга жўнатаяпмиз. Унинг яна бир қулайлиги шундаки, совунни тўғридан-тўғри керагича олиб ишлатиш мумкин. Айримлар катта идишдаги совун очилгач сифати бузилмайдими, дейиши мумкин. Йўқ, ҳар қанча муддат ўтмасин, совун айнимайди. Буни синовдан ўтказганмиз.

Шунинг учун ишлаб чиқараётган совунимизнинг сифатини алоҳида назоратга олганмиз. Ҳар куни қозонда тайёрланаётган маҳсулот камида уч марта лабораторияда текширилади. Бир киши фақат шу иш билан шуғулланади.

— Фирма ишлаб чиқараётган маҳсулотни ҳозирча дўконларда учратмаяпмиз. Уни кимларга ва қандай йўл билан сотяпсизлар!

— Маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнида давлат таъминотидаги мутасаддилар билан маслаҳатлашдик. Улар бизга биринчи навбатда Тошкент шаҳридаги касалхоналар, туғруқхоналар, боғчалар, болалар уйлари, Улуғ Ватан уруши ногиронлари даволанадиган даволаш муассасаларига совун етказиб беришни илтимос қилишди. Шу кунгача маҳсулотимизнинг асосий қисми ана шу муассасаларга жўнатилмоқда. Шунингдек совунимизга бўлган талаб бошқа вилоятларда, қардош Қозоғистон жумҳуриятида ҳам ортиб бормоқда. Жумҳуриятлараро тузилган шартномага мувофиқ биз мана уч ойдирки ҳар ҳафтада Қозоғистоннинг ўзига 30 тонна совун юборяпмиз. Буни биздан жумҳуриятимиз ҳукумати илтимос қилди.

Совунимизнинг нархи ҳам унчалик қиммат эмас. Масалан, давлат корхоналари ҳозир бир килограмм совунни 48 тийиндан сотаётган бўлса биз 50 тийин белгиладик. Ортиқча икки тийин бу маҳсулотни идишларга жойлаштириш учун сарфланмоқда.

Фирмамиз бошқа кооперативларга ўхшаб нақд пул билан муомала қилмайди. Аксинча, ишлаб чиқаришдаги барча мол-малалар фақат ҳужжатлар орқали амалга оширилади. Масоли давлат корхоналарига ўхшаб ҳар ой охирида истеъмолчилар билан ҳисоб-китоб қилиб борамиз.

Ишбилармонликни ўрганайлик

— Шамсиддин ака, ҳафа бўлманг, аксарият кооперативлар қандай қилиб бўлмасин мўмай даромад қилиш учун ҳаракат қилади. Шунингдек кооперативларда халқ тили билан айтганда «учарўлар ишлашади. «Наврўз»нинг жамоасини кимлар ташкил этади!

— Фикрингизни тушундим. Сиз юқорида айтиб ўтган кооперативларнинг билсангиз, умри қисқа. Улар қандай қилиб бўлмасин, пул топиш учун қурашади. Биз эса узоқни кўзлаб, режани пухта олиб ишлаяпмиз. Жамоамиз жуда кичкина. Бор-йўғи 15 киши меҳнат қилади. Уларнинг ичида тўрт киши бошқарув аппаратида, қолган ўн бир киши бевосита ишлаб чиқариш билан машғул. Жамоамизда пенсионерлар ҳам, ногиронлар ҳам, талабалар ҳам бор.

Албатта, моддий таъминот масаласи бугун биринчи галдаги вазифа. Агар ҳар қандай жойда ҳам киши ўз меҳнатига яраша ҳақ олмас экан, ишда унум бўлмаслиги аниқ. Фирма аъзоларининг ўртача маошига келсак, 400—450 сўмни ташкил этади. Лекин шуни айтиб қўяй, улар шунга яраша ишлашади.

— Юқорида узоқни кўзлаб иш юритаяпмиз, дедингиз. Буни қандай тушуниш керак!

— Келгусида фирмани янада кенгайтиришни режалаяпмиз. Масалан, 1991 йилда бир марта ишлатиладиган совун ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Бундай корхона ҳали иттифоқда йўқ десак хато қилмаган бўламиз. Бу маҳсулотнинг дастлабки нусхасини тайёрлаб қўйдик.

Яқинда Занғиотадаги «Ўзбекгазпром» бошқармаси ҳудудида шифобахш сув чиққанлигини айтишди. Мутасаддиларнинг таклифи билан бу сувни аҳолига етказиб беришни режалаяпмиз. Албатта сув таркибини олимлар, шифокорлар, Семашко номидаги даволаш муассасаси врачлари ва жумҳурият санитария-гигиена илмий-текшириш институти олимлари обдон ўрганишди. Бу шуни кўрсатдики, сув таркибида ошқозон, ичак, асаб, инсоннинг ҳаракат органларига таъсир этувчи моддалар бор экан.

Идишнинг ҳам йўлини топдик. Бу мақсадда шампан виноларининг шишаларидан фойдаланмоқчимиз. Маълумки, ҳозиргача бу идишлар одатда бир марта ишлатилиб, ташлаб юборилади. Биз эса ундан кўп марта фойдаланиш йўлини топдик.

Бундан ташқари Қўқондаги ёғ-мой комбинати билан ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Бу ерда турли данаклардан тайёрланаётган ёғларни халқ учун қулай бўлган идишларга солиб истеъмолчиларга етказиб бериш масаласини келишиб олдик. Бу иш ҳам айнан ўзимиз териб, тайёрлаб топширган данаклар ҳисобига олинаётган маҳсулот ҳисобига амалга оширилади.

Қардош Қозоғистон жумҳуриятидаги Келес давлат хўжалиги билан ҳам шартнома туздик. Биз у ерда тери қабул қилиш ва ошлаш цехини ташкил этамиз. Ундан олинган хом ашёдан турли хил қўлда тайёрланадиган халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришни йўлга қўймоқчимиз. Шу мақсадда Ҳиндистондаги ана шу иш билан шуғулланадиган «Шри эксперт» фирмаси билан музокара олиб боряпмиз. Ҳатто ҳинд усталарини таклиф қилмоқчимиз. Улар бу ерда бизга кадрлар тайёрлашда, иш ўргатишда ёрдам беришади.

Албатта, режалар катта. Лекин уларни тўлиқ амалга ошириш учун бир қатор кўндаланг бўлиб турган муаммоларни ҳал этишимиз керак. Биринчи галда бизнинг фирмамизга ер зарур. Тўғри, 1989 йилда вилоят партия қўмитаси бюроси фирманинг ишини кўриб чиқиб, маъқуллади. Ҳамза ноҳиясидан 0,5 гектар ер беришга қарор қилинди Ана шу қарорга мувофиқ лойиҳа ҳужжатлари ҳам тайёрланди. Афсуси, Ҳамза ноҳияси бош архитектори Р. Тожиевнинг айби билан ерни ололмадик. Уни олиш учун ярим йилдан ортиқ сарсон бўлдик.

Ҳозир Калинин ноҳиясидаги «Партия XX съезди» жамоа хўжалиги ҳудудидаги Бўзсувнинг қирғоғида экиш учун яроқсиз бўлган 2—2,5 гектар ерни ажратиш масаласи кўрилмоқда. Афсуски, бу иш ҳам мутасаддилар кўлида сарсон бўляпти. Агар бизга майдон берилганда эди икки-уч ой ичидаёқ жумҳурият давлат планлаштириш қўмитаси томонидан фирмага ажратилган модулни ишга тушириб, юборардик. Ана шунда мен юқорида тилга олган маҳсулотларнинг янги турларини тезрок халққа етказиб бериш мумкин бўлур эди.

— Шамсиддин ака, сиз Калинин ноҳиясидаги Калинин қўрғон Шўроснинг депутати, шу қўрғон Шўроси раисининг ўринбосари экансиз. Буни кооперативдаги иш билан боғлиқлик томони борми ёки...

— Йўқ. Бунинг ҳеч қандай боғлиқлик томони йўқ. Мен шу қўрғонда яшайман. Номзодимни маҳалла аҳлининг ўзи кўрсатди ва депутат қилиб сайлашди. Балки бунга жамоатчилик билан бирга бўлишим, маҳалладаги бир қатор ободончилик билан боғлиқ масалаларни ҳал этишда ташаббускор бўлганлигим, кўмаклашганлигим сабаб бўлгандир.

Лекин мени ишонч билдириб сайлашган экан, бундан буён ҳам қўлимдан келганча халққа, маҳалламизга хизмат қилавераман. Қўрғонда ҳали ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар кўп. Ваколатимдан фойдаланиб, аҳоли талаб ва истакларини юқори ижрочи ташкилотларга етказяпман, маслаҳатлашяпман. Хуллас, ҳозирча сайловчиларим хурсанд.

* * *

Суҳбатни шу ерда якунлаш мумкин эди. Лекин айрим мулоҳазалар туғилдики, уларни айтиш керак деб ҳисоблайман, Биринчидан, бу фирма турли ҳайрияларда ҳам актив иштирок этмоқда. Масалан, телевидение орқали ўтказилган «Наврўз» телемарафонида жумҳуриятдаги болалар уйлари учун минг сўм пул ва беш тонна совун ўтказди. Бундан ташқари Ҳамза ноҳиясидаги «Дўстлик» номидаги етим болалар клубини ҳам шу фирма оталиққа олиб, доим ёрдам кўрсатяпти. Жамоанинг бундай хайрли ишларини санашда давом этавериш мумкин.

Аммо биз айтмоқчи бўлган гап бошқа. Ҳозир мамлакатимиз, жумҳуриятимиз бошқарувнинг бозор иқтисодиётига ўтиш даврида турганда мана шундай фирмалар, ишбилармон кишилар назаримизда жуда зарур. Шундай экан, уларга ҳар томонлама кўмак бериш, қўллаб-қувватлаш, бошқача айтганда кишиларнинг ўз ижодий имкониятларини намоён қилишга шароит яратиш фақат фойда келтиради. Ўйлаймизки, тегишли мутасадди ташкилотлар бу фирманинг фаолияти билан яқиндан танишадилар ва мавжуд муаммоларни ҳал этишда амалий кўмак берадилар.

Суҳбатни Ф. МУҲИДДИНОВ олиб борди.

• Тарғиботчилар ҳақида ҳикоялар

Ижодкорлик билан ёндашиб

Қаршигул опа ўз тингловчилари билан маслаҳатлашиб машғулотни мусобақа тарзида ўтказишга қарор қилди. Тингловчилар икки командага бўлиндилар. Мусобақа—яъни «Миллий муносабатларни ривожлантиришнинг долзарб муаммолари, байналмилал ва ватанпарварлик тарбияси» курси бўйича тингловчилар йил давомида олган билимларини ўзлари синовдан ўтказа бошладилар. Тарғиботчи Қаршигул опа Жумабоева эса бу ўзига хос қизиқарли ва таъсирчан синовга холис ҳакамлик қилди. Мактаб муаллимлари, ҳамкасблари, ўқувчилар кўз олдида ўз билим ва маҳоратини синовдан ўтказдилар. Фарҳод Умаров, Хусанбой Пардаев, Ҳалима Шамсихонова, Неъмат Худоёров, Анорбой Исматов сингари тингловчилар мусобақа фаолларига айландилар. Мактаб маъмурияти ва бошланғич партия ташкилоти жамоа ҳаётида муҳим воқеага айланиб кетган якуний машғулот бўйича мусобақа фаолларини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантирдилар.

Қаршигул опанинг тарғиботчилик фаолиятидан бундай ибратли мисолларни қўплаб келтириш мумкин. Шаҳардаги Фурқат номли 2-ўрта мактабнинг тарих фани ўқитувчиси коммунист Қ. Жумабоева тарғиботчилик фаолиятини бошлаганига чорак аср бўлди. Агар бунга ҳам муаллимлик, оила, маҳалла-кўй ташвишларини қўшсак Қаршигул опанинг ҳаёт йўли, меҳнати янада ойдинлашади. У буларнинг барчасига улгради, мазмунли суҳбати, ширинсуханлиги билан кўп сонли тингловчиларнинг ҳам, ўқувчиларнинг ҳам меҳрини қозонган.

— Қуруқ суҳбат ёки лекция билан тингловчиларни, айниқса, ёш ўқитувчиларни машғулотга фаол жалб этиб бўлмайди, — дейди Қаршигул опа. — Шунинг учун ҳар бир машғулотда кўргазмали воситалардан кенг фойдаланишга ҳаракат қиламан. Мавзуга оид кинофильмлар ҳам намойиш этамиз. Керакли адабиётлар, рўзнома ва жаридалар, сиёсий луғатларни тингловчиларга тавсия этаман. Машғулот шакли дарс жараёнида ўз-ўзидан пайдо бўлади, кўпинча у баҳс-мунозара шаклига киради ва таъсирчанлиги билан узоқ вақт эсда туради, яхши самара беради.

— Ҳозирги пайтда сиёсий ўқувларни бас қилиш тўғрисида ҳам айрим фикр-мулоҳазалар бўляпти. Бунга қандай қарайсиз? — сўрайман ундан.

— Қандай қилиб? Сиёсий ва мафкуравий кураш авж олаётган, турли партия ва жамоат ташкилотлари рақобати кучаяётган, одамлар онгида ҳар турфа ўзгаришлар рўй бераётган даврда сиёсий ўқувни тўхтатиш катта хатолик бўлади-ку. Менимча айнан ҳозирги даврда партия сиёсий ўқувини ҳар томонлама кучайтириш лозим. Ноҳия партия ташкилоти тарғиботчилар маҳоратини ошириш, илғор тажрибаларни оммалаштириш борасида янада кўпроқ ташаббус кўрсатиши керак бўлади. Ахир сиёсий ўқувлар омма билан муносабат ўрнатишнинг асосий йўлларидан бири-ку. Ўқувда асло расмиятчилик, юзакичиликка йўл қўйиб бўлмайди.

Машғулотларда нафақат белгиланган мавзулар ўрганилиши, балки жамиятнинг қундалик сиёсий воқеалари, жамоанинг ижтимоий-сиёсий муаммолари ҳам ўз аксини топмоғи лозим. Қаршигул опа айнан шунга интилади. Тингловчилар ўз сиёсий билимларини ошириш, партия ва ҳукуматимизнинг қарор ва ҳужжатларини чуқур ўрганиш мақсадида рефератлар тайёрлайдилар. Масалан бошланғич синф ўқитувчиси Роҳила Турмонова, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Муккаррам Абдужамилова, физика муаллими Насиба Мухторовларнинг турли мавзулардаги рефератлари қунт ва мароқ билан ёзилган.

Қаршигул опа мактабнинг юқори синф ўқувчилари орасидан қобилиятли ёшларни танлаб, тарғиботчилар гуруҳи ташкил қилган. Улар ўз тенгдошлари орасида маҳоратларини синаб кўрдилар. Бунда уларга Қаршигул опа астойдил ёрдам берди.

Жамоада бу йил ҳам ўқув баҳс-мунозаралари бой, қизғин ва самарали ўта бошлади.

Н. АБДУРАСУЛОВ,
Оҳангарон ноҳияси.

КУН ТАРТИБИДА— ЯНГИ АТАМАЛАР

Ўзбек тилини ривожлантириш, унинг аксарият атамаларини қайтадан ишлаб чиқиш, тилни маълум даражада тартибга солиш мақсадида илм-фаннинг турли соҳаларида меҳнат қилаётган олимлар ҳамда бошқа мутахассислар талайгина ишларни бажармоқдалар. Жумладан, турли соҳаларга оид атамалар жамланмоқда ва муҳокамадан ўтказилмоқда, фан тармоқлари бўйича луғатлар тузилаётир. Ўзбекистон ССЖ Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги атамашунослик қўмитасининг 4 декабрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида ана шу масалалар муҳокама қилинди. Атамашунослик қўмитаси бўлимлари ва секцияси бошлиқларининг ўз соҳалари бўйича ахборотлари тингланди.

Мажлис иштирокчилари тиббиётга, иқтисодиётга доир ҳамда матбуотда ишлатилаётган туркум атамалар хусусида фикр алмашдилар, соғлиқни сақлаш соҳасига мўлжалланган янги луғатни тасдиқладилар. Луғат тиббиётга доир 1,5 мингта атамани ўз ичига олган.

(ЎзТАГ).

ЎҚИТУВЧИЛИК ҲАҚИДА ЎЙЛАР

• ШАХСИЙ МУЛОҲАЗА

Педагоглик касби, унинг қийинчилик ва муаммолари ҳақида мақола ёзишни кўпдан бери кўнглимга тугиб қўйгандим. Лекин нима учундир буни қилишга журъат этмасдим. Айтадиган гапим билан жамиятимизда ҳурматли касб саналувчи ўқитувчиликнинг шаънига ёмон тегиб кетмасмиканман, деган андиша ҳам шунга сабаб бўлган бўлса ажаб эмас. Қолаверса, мен ҳам ана шу зиёкорлар қўлида тарбия олганман.

Ёзишимга мактаб илмий бўлим мудири бўлиб ишлаётган дўстимнинг ўз ҳамкасби ҳақида айтган гаплари туртки бўлди.

— Яқинда ариза бериб, илмий бўлим мудирлигидан бўшадим,— деди у.— тўқиз йил ичида ўқитувчилар дарсларини таҳлил қилиб, жуда кўпчилигининг билим савиялари пастлигига ишонч ҳосил қилдим, институтдан ўқитувчилик қилишга тайёр ҳолда келмаётганликларининг гувоҳи бўлдим. Қолаверса, педагогика институтига кираётганларнинг аксарияти етарли билимга эга эмаслар. Мактабни аъло баҳолар билан битирганлар қолиб, ўртамиёна тугатганлар олийгоҳга кириб кетишяпти. Бунда кўпинча таниш-билишларга суянганлар ёки ўша жойда ишлаётган ота-оналар ўз фарзандларини, қариндош-уруғларини жойлашга интилишяпти...

Ўйлаб кўрсам дўстим ҳақ. Ўзим ҳам бунга ишонч ҳосил қилганман. Яқинда у бошланғич синф ўқитувчиларидан бирининг дарсини таҳлил қилишга кирипти. Ўқитувчи номлари ёзилмаган буюмларнинг расмини кўрсатиб, ўқувчилар уни нима деб аталишини айтиб беришаётган экан. Расмдаги битта буюмнинг номини болалар айтиб беришолмапти. Энг қизиғи шундаки, уни педагогнинг ўзи ҳам билмапти. Дарсда «бегона» одам иштирок қилаётганидан бўлса керак, бироз ўнғайсизланибди-ю, ҳеч нарса бўлмагандек «майли, буниси қолаверсин» деб қўйибди.

Расмда отнинг югани кўрсатилган экан. Шуни айтолмаган қишлоқ ўқитувчисидан ўқувчилар қандай таълим олишини тасаввур қилиб кўринг-а.

Бу воқеани эшитиб ўнинчи синфда ўқиб юрганимдаги бир ҳол ёдимга тушди.

Тарих дарси бўлаётган эди. Жанг тафсилотларини гапириб бераётган ўқитувчимиз синф деворига тикилиб туриб «жанг шундай шиддатли бўлдики, майдонда минглаб ўлган отлар кишнаб ётарди» деб қолди. Ўзимни кулиб юборишдан зўрға тўхтатдим. Ким билади дейсиз, худди шу пайтда бу муаллимнинг эсига томорқасининг суғорилмаганлиги тушдими ёки кечқурун молларга беришга ўт йўқлигини ўйладими, ҳар ҳолда айтган гапига ўзи ҳам, ўқувчилар ҳам эътибор беришмади. Билиб турибман, болаларнинг хаёли ҳам ҳар ёқда (кейинроқ ўқитувчининг бу гапи «Муштум» журналида «бир қайнови ичида» бўлган гаплар қаторида босилиб чиқди. Буни эса мендан бўлак ҳеч ким билмасдан қолаверди). Педагог ўз ҳолича дарс ўтадиган, ўқувчилар эса хаёл суриб ўтирадиган бундай сабоқлар ҳозир ҳам кам эмас.

Аммо мени бу билан зинҳор ўқитувчилар ҳақида фақатгина салбий фикрда экан деб ўйламанг. Сабот билан ёшларни билимли қилиб тарбиялаётган устозлар кўпчиликни ташкил этади. Эътиқозли фикрларимдан мақсадим шуки, ўқитувчиларнинг масъулиятини ошириш керак демоқчиман. Ўқитувчи обрўсини сақлаш биринчи навбатда унинг ўзига боғлиқ бўлиб қолди. Бунинг учун эса у кўп ўқиши, ўз устида ишлаши, илғорлардан ўрганиши керак. Бу, албатта, вақт ва қунт талаб қилади. Аммо шундай ўқитувчилар борки, жиллақурса бир йилда битта ҳам китоб ўқимайдилар. Аслида педагог жуда бўлмаганда ҳафтада ёки ўн кунда битта ўзи учун зарур асарни ёки қўлланмани мутолаа қилиши мумкин. Ана шу ўқиганлари дарснинг самарали ўтишига ёрдам бериши шубҳасиз.

Ноҳия партия қўмитасининг мафкура бўлимида ишлаб юрганимда бўлим ходимлари билан мактаблардан бирига бордик. Тўрттала ходимдан учтамиз ўқитувчи, мен журналист эдим. Дарс таҳлилларида иштирок этдик. Мен қатнашган бешинчи синфда адабиёт экан. Ўқитувчи Абдулла Қаҳҳорнинг «Ўғри» ҳикоясини ўтди. Аввалига ўқувчиларга ҳикоядан парчаларни ўқитди. Сўнгра тўрт нафар ўқувчи чиқиб гапириб берди. Ҳаммасига баҳо қўйилди. Болалар гапиролмаган жойларда ўқитувчи китобдаги гапларни такрорлади, холос. Мен шу куни бундай содда дарс синфдаги болаларда ҳеч қандай қизиқиш уйғотмаганини аниқ ҳис этдим. Педагог жуда бўлмаганда воқеа содир бўлган давр руҳини, шароитини ўқувчиларга тушунтириб бериши керак эди. Ҳатто болалардан бири «қозонни узоқ вақт сувга солиб қўйишга тўғри келади» деган ибораси «қозон нима учун сувга солиниши керак» деб сўраганда педагог унинг иккинчи мазмунини, яъни рўзғорда овқат пишириш учун ҳеч нарса бўлмаганлиги учун бу ибора мақол тарзида ишлатилишини тушунтириб берди. Дарс тугагач, мен бу фикрларимни унга айтдим. Маъқул тушди.

Ниҳоят, ўқитувчилик обрўсининг қандай бўлиши муаллим билан ўқувчи орасидаги муносабатга ҳам боғлиқдир. Бир тўйда ҳурматли ўқитувчилар даврасида бирга ўтирдик. Ўзаро суҳбатда улардан бири собиқ ўқувчисидан — ҳозир совхозда тракторчилик қилаётган йигитдан нолиб қолди. Маълум бўлишича, у педагогнинг «даладан бир прицеп хашак келтириб бер» деган илтимосини бажармабди.

— Нима дейди денг,— «мактабда ўқиётганимда бу илмиг билан тракторчиликдан бошқа нарсага ярамайсан, одам бўлишинг қийин дегансиз, мана айтганингиз келди, тракторчи бўлдим, лекин одам эмасман-ку, сизга қандай қилиб яхшилик қиламан»...

Шу ўринда ўқитувчининг собиқ талабасидан ҳафа бўлишини ўринсиз деб билдим. Сабаби муаллим боланинг асабига теккан, ҳақоратлаган. Тракторчилик касбини ерга уриш билан бирга ўқувчисининг ихлосини қайтарган. Минг афсуски, бундай усулда «тарбиялаш» ҳозир ҳам учрамоқда.

Қадрли газетхон, мен мақолада мисол келтирган ўқитувчилардан биронтасининг номини кўрсатмадим. Зероки, мақсадим мутлақо бошқа, яъни мана шундай воқеалар иложи борича бўлмаслигини истайман. Бунинг учун педагогика институтларига ўқитувчиликка росмана қизиққан, тарбия ишини жондилидан севган ёшларни жалб этиш керак. Мактабларда ўқитувчилар аттестациясини номигагина ўтказмаслик лозим деб ўйлайман. Керак бўлса педагогларнинг билим савияси даражасига қараб уларга маош тўлашни жорий қилмоқ зарур. Ана шундагина биз ёш авлодни тарбиялаш ҳамда унга билим беришда дурустроқ самараларга эришган бўламиз.

О. ҲАМРОЕВ,
ССЖИ Журналистлар уюшмаси аъзоси, Бўка ноҳияси.

Мафкура ходимларининг йиғилиши

Тошкент округ офицерлар уйида Қизил Байроқ ордени Туркистон Ҳарбий Округи мафкура ходимларининг йиғини бошланди. Унда сиёсий органларнинг лекторлари ва катта инструкторлари, ҳарбий ва ҳарбий-қурилиш қисмларининг, ҳарбий комиссариатларнинг тарғиботчилари, гарнизон офицерлар уйларининг катта инструкторлари, шунингдек ҳарбий журналистлар қатнашмоқдалар.

Унинг қатнашчилари ҳозирги шароитда мафкуравий ишларнинг, Совет жамияти ва Қуролли Кучлари ҳаётидаги туб ўзгаришлар жараёнида уни ташкил этиш ва ўтказиш усулларининг долзарб масалалари тўғрисида маъруза тингладилар.

Йиғин қатнашчилари жумладан ҳарбий ислоҳот, ССЖИда кўп партиялиликнинг қарор топиши тамойиллари ва истиқболлари тўғрисида бир қанча маърузалар ва нутқларни тинглайдилар. Улар амалий машғулотларда, шуъбаларда ўтказиладиган мунозаралар қатнашадилар, округ «Фрунзевец» газетаси таҳририятида, Тошкент мактаблари, ҳунар-техника билим юртлари, техникумлари, олий ўқув юртларида бўладилар.

(ЎзТАГ).

• ХОТИРАЛАРИ ҲАМИША ЁДИМИЗДА •

Сизларни излаб келдик, жигарлар!



Рўзномамиз саҳифаларида тез-тез учраб турадиган «Уларни танийсизми?» рукни остида босилган мақолаларга кўзингиз тушгандир. Суронли Улуғ Ватан уруши йилларида бедарак йўқолган деб ҳисобланиб келинаётган, эндиликда аниқланаётган юртдошларимизнинг қабрлари рўйхатидан тузилган сатрларга яқинлари ном-нишонсиз кетганлар синчков назар ташлашлари турган гап. Бундай хабарлар оқали вилоятимиздан урушга кетган кўплаб жангчиларнинг қариндош-уруғлари, жигарларининг қачон ва қаерда дафн қилинганликлари тўғрисида аниқ маълумотга эга бўлмоқдалар. Махсус гуруҳ билан ўша жойларга уюштирилган сафарларда иштирок этмоқдалар.

Бу хайрли ишларни амалга оширишдек инсоний бурчни мана бир неча йилдирки, Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятининг Тошкент вилоят кенгаши қошида тузилган «Прометей» қидирув бирлашмаси холисан-лилло бажариб келмоқда.

Украина жумҳуриятининг Чернигов вилоятига уюштирилган сафар гуруҳи таркиби — яқинларининг қабри топилган оилалар, уруш ва меҳнат кексалари, юқорида номи қайд этилган жамиятнинг фаол аъзолари, байналмилалчи-жангчилар кенгаши ва Қизил Байроқ орденли ТуркҲО вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимларидан иборат эди.

Чернигов-Украинанинг энг йирик вилоятларидан ҳисобланади. Шу номли шаҳар унинг маркази бўлиб, бу ерда енгил саноат, кимё, тўқимачилик, ўрмон хўжалиги яхши ривожланган. Тарихий обидаларнинг айримлари сақланиб қолган. Кўпчилиги эса қайта тикланган.

Шаҳарда урушгача 69 минг аҳоли яшаган, 1941 йилнинг 9 сентябридан немис фашистларининг ваҳшиёна босқинчилиги натижасида 52 мингдан ортиғи қирилиб кетди. 1943 йилнинг 20 сентябридагина бу ерлар Ленин орденли 181-Сталинград дивизияси томонидан озод қилинган экан.

Подусовка шаҳарнинг чекка қисмида жойлашган мавзе бўлиб, бу ерда ҳалок бўлганларга ёдгорлик, тошлавҳалар ўрнатилган. Қизариб очилган гуллар бўйлаб эса маълум оралиқда ўн беш қора мармар қабртошни учратдик. Билишимизча, ҳалок бўлган 15 минг одам хотирасига ўрнатилган экан бу тошлар. 1944 йилда бу ерларни қазиш чоғида 11 ҳандаққа кўмиб юборилган номаълум аскарлар хокини топишган. Кейинчалик шаҳар аҳолисидан йиғилган ва тарих ёдгорликларини сақлаш жамияти ажратган маблағ ҳисобидан ушбу ёдгорликлар ўрнатилибди.

Ғалаба хиёбонидаги мангу олов атрофида юзлаб дўнгликларга кўзингиз тушади. Бу дўнгликлар остида ҳам номи, миллати, ёши номаълум аскарлар ётишибди.

Эртаси куни Репка ноҳиясига қараб йўл олдик. У ерда бизни ноҳия раҳбарлари ва меҳнаткашлари кутиб олишди. Дўстона суҳбатлардан кейин Лопатни қишлоғига, ҳамроҳларимиз—Мамлакат аянинг акалари, Нигоранинг катта тоғаси бўлмиш тошкентлик Хотам Ғойибназаров хоки қўйилган қардошлик қабристонига ҳаммамиз ташриф буюрдик.

Мамлакат опа кўзларида ёш, титроқ қўлларида гул билан акалари тушган суратни қабртош пойига қўйдилар. Кўпчилик қатори Хотам Ғойибназаров номи ҳам ўйиб ёзилган тошлавҳа остидаги гуллар этагига она юрт, Ўзбекистондан келтирилган бир сиқим тупроқ қўшилди.

Мазкур қишлоқлик қариянинг хотирлашича немис-фашистлар 1943 йилнинг 22 сентябрида бу ердаги чуқурликка ўн бир кишини аравада олиб келиб кўмишган. Ўша йилнинг 15 сентябрида Лопатни ва қўшни Любеч қишлоқлари озод қилингандан кейин ҳалок бўлган жангчилар номи аниқланиб, ёдгорлик ўрнатилган экан. Репка ноҳиясининг фирқа қўмитасида ажойиб инсон, истеъфодаги полковник В. Д. Драгунов хизмат қилади. У одамни эшитганлар бордир балки. Лекин Владимир Денисович ҳақида батафсилроқ гапириш лозим.

Унинг машҳурлигини шаҳид кетган жангчилар хотирасини абадийлаштиришни тириклар бурчи деб ҳисоблаши ва бу борадаги беминнат хизматлари билан ифодалаш мумкин. Урушнинг биринчи кунидан охиригача жанг қилган Драгунов Украина ерларини озод қилишда қатнашиб, ҳалок бўлган аскарларнинг номларини аниқлаб, ўз ихтиёрича архивларда улар тўғрисида маълумот тўплаган. Мамлакатнинг турли бурчакларига хатлар йўллаган. 25 йил давомида 20 мингга яқин бедарак деб ҳисобланиб келинаётган номларни бирма-бир ёзиб жойларга юборишни, меҳнати учун ҳеч қандай ҳақ олмаслигини эшитган айримлар бу одамни ақлдан озганга ҳам чиқариб қўйишган бир пайтлар. Лекин эзгулик шахсий манфаат йўлида қилинмайди. Владимир Денисовичга йўлланган минглаб мактубларнинг кўпчилигида манзили кўрсатиладиган жойга: «Чернигов, танк ёнидаги уй, Драгуновга» деб ёзишади. Шунга қарамай бутун вилоят танийдиган бу одамнинг уйига хатлар бехато келаркан.

Владимир Денисович 900 дан ортиқ ўзбекистонлик аскарлар номини, туғилган, яшаган, ҳалок бўлган жойлари ва вақти ҳақидаги маълумотларни тўплаган. У яна Афғонистонда, Испанияда, Кореяда, Японияда ҳалок бўлган байналмилалчи-жангчилар номларини аниқлашни, тиклашни режалаштирган. Биз билан суҳбатда яқин орада 19 мингдан ортиқ аскар номлари битилган китоби нашрдан чиқишини, ундаги рўйхатда 27 миллатга мансуб жангчилар ҳақида маълумот берилишини хурсанд бўлиб гапирди.

Прилуки ноҳиясининг Линовицо қишлоғидамиз. Қуюқ ўрмон орасида жойлашган бу қишлоқ шўросининг биноси ёнидаги қабристонга тошкентлик Абдуазиз Зокиров ҳам шу қишлоқ учун бўлган жангларда ҳалок бўлган бошқа аскарлар қаторида дафн этилган. Унинг фарзанди бўлмиш Абдумўмин Зокиров қизи Нодира билан оталари, бувалари қабрига тиз чўкишди. Шу ерда Абдумўмин Зокиров қишлоқ аҳлига раҳматлар айтиб, хайрли ишларни амалга оширишда катта ҳисса қўшган В. Драгуновга миннатдорчилик ифодаси билан тўн ва дўппи кийгизди. Гуруҳимизга раҳбарлик қилган вилоят тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамияти раисининг ўринбосари Миртурсун Мирсоатов сўзга чиқиб. Украина тупроғида ҳалок бўлган ўзбек ўғлонларининг номлари тикланиб, ёдгорликларга битилганлиги, қабрларига муносиб эътибор берилаётганлиги — қардошликнинг амалий тимсолидир дея эътироф қилди. Шунингдек, ҳар ерда нон-туз билан кутиб олаётган украин халқига, ёрдам кўрсатган турли идораларга ҳаммамиз номимиздан миннатдорчилик билдирди.

Гуруҳимиз аъзоларидан Украина, Белоруссия, Болтиқбўйи, Польша жанглари, Фин уруши қатнашчиси, ҳозирда Янгийўл ноҳиясининг «Коммунизм» жамоа хўжалигида яшовчи Шермат Бегматов камгап бўлсалар-да, ҳазилга анча мойил эканлар. Айниқса маҳалладошлари, Москва учун жангдан омон чиққан, Сталинградни озод қилишда яраланган Абдулла Сайдалиев билан барчага қувноқлик бағишлашга ҳаракат қилишарди. Лекин, 42 йил мобайнида ўқитувчилик касбини шарафлаб келган Шермат ака юртдошларимиз хоки қўйилган, номлари ўйиб битилган ёдгорликлар қаршисида маъюс, ўта жиддий қиёфада бўлардилар. Гоҳида, кўзлари ёшдан намланиб, лавҳалардан нималарнидир излаётганликларини пайқаш мумкин эди. Кейинроқ сўраб билсам бу инсон хонадонидан беш ака-ука урушга кетиб... фақат Шермат акагагина ўз қишлоғига омон қайтиш насиб қилган экан.

— Укамни «Прометей» қидирув клуби ёрдамида топишга эришдик. Псковга дафн қилинган экан, зиёрат қилиб қайтдим, — дейди Ш. Бегматов. — Яна уч акамни қидиряпман. Жигарларим руҳларини шод қилишимда катта ёрдам кўрсатаётган мазкур клуб ва кенгаш аъзоларига ҳар қанча раҳмат айтсам ҳам оз.

Шермат ака хўжаликдаги тарих музейига раҳбарлик қилаётирлар. 3,5 мингта экспонатларини янада бойитиш мақсадида гоҳ Днепр ёки Десна соҳилида, гоҳо қуюқ ўрмон ичида ҳам тинмай тинчимадилар.

Оржоникидзе ноҳиясидан урушга жўнаган Қодир Ризбеков Новгород-Северский ноҳияси Команьқишлоқ шўросининг қардошлик қабристонига дафн этилган экан. Унинг жияни Рихсивой Шарипов амакиси номини рўзномадаги рўйхатдан ўқиб қолибди. «Прометей» кўмагида амакиси қабрини зиёрат қилгани келибди. Ёдгорлик лавҳасида Қодир акадан бошқа ўзбек жангчиларининг ҳам номларига кўзимиз тушди. Ҳаммамиз ёдгорлик пойига гуллар қўйдик.

Ноҳия маркази ҳисобланмиш Новгород-Северский шаҳри вужудга келганлигига роса минг йил тўлибди. Бу ерларни немис фашистлари 1941 йилда босиб олишган. Дробишев, Ярцево, Араповичи, Чулатов қишлоқларидаги қаттиқ жангларда ҳалок бўлган 20 минг совет фуқаросига шу ердаги монастир девори олдида ўтган йили ёдгорлик ўрнатилибди. Айтишларича бу монастир концлагерь вазифасини ҳам ўтаган экан. Бир томони бомба тушганлиги учун вайронага айланган.

1943 йилда Новгород-Северский 148-дивизия томонидан озод қилинган.

Яна бир ҳамроҳимиз оҳангаронлик уруш қатнашчиси Акром ака Аъзамов шу ерлик қариялар билан суҳбатлашар, қабр тошларидаги номларни ён дафтарларига қайд қилиб борардилар. Акром ака ҳам вилоятимиздан урушга кетиб қайтмаган, қабрлари номаълум жангчилар рўйхатини тузиб, кўп марта рўзномаларда эълон қилганлар, Ҳатто ўз ёнларидан шу мазмундаги китобча чоп эттирдилар.

Сафаримизнинг охирги кунини Украина пойтахти Киевда ўтказдик. Урушдан қаттиқ азият чеккан бу шаҳарнинг тарихи ҳам, йўллари ҳам узун экан. Қаҳрамон шаҳарнинг диққатга сазовор жойларига ташриф буюрдик. Кўпчиликка маълум бўлган, фашистлар томонидан минглаб бегуноҳ одамларни тўплаб, ваҳшиёна ўлдириб юборилган жой — Бабий Ярдаги ёдгорликни зиёрат қилдик. Мангу олов ёниб турган номаълум аскар қабрига гуллар қўйдик.

Инсон хотирасини ҳурмат қилишдек олижаноб фазилат борлиги қандай яхши. Буни Ватанни ҳимоя қилишда ҳалок бўлган оталари, акалари, бувалари, амакиларининг қабрларини излаб келган, иззат-икром билан кутиб олинган гуруҳимиз вакиллари қардош украин халқи тимсолида дилдан ҳис қилдилар. Қайси қардошлик қабристонларига бормайлик юртдошларимиз қабрлари покиза, саранжом, гуллар билан ўралган ҳолда эди.

— Акам қабри тепасида йиглаб турганимда маҳаллий аҳолининг турли миллат вакиллари хоки қўйилган жойларни кўз қорачиғидек эътибор ва эъзоз билан асраётганликлари таъсир қилиб кўзларимга янада ёш қуйилди, — дейди Мамлакат опа Тошкентга қайтганимиздан сўнг. — Уруш даврида акамдан қорахат олганлигимизга қарамай шу пайтгача суриштиришга, боришга имконимиз бўлмаган эди. Фарзандларининг қайтишига доим умид қилиб келган тўқсон ёшлик онамга акам қабридан олинган бир сиқим тупроқни олиб келганимдан сўнггина уни кўзларига суртиб ишондилар.

Биз ҳам рўзнома орқали акамиз қабри қаердалигини ўқиганимиздан кейингина, Зарифахон Эшмирзаева раҳбарлик қилаётган клуб ёрдамида неварам билан Черниговга бориб кўришга муяссар бўлдик. Шундай савоб ишларни амалга ошираётган прометейчилар умрларидан барака топишсин, илоё.

Барака топишсин!.. З. Эшмирзаева, М. Мирсоатовни, уларнинг фаол шогирдларини нафақат вилоятимиз, балки бутун жумҳуриятимиздаги кўплаб оилалар қўл очиб дуо қилмоқдалар. Негаки улар келажагимиз учун жон фидо қилган инсонлар хотирасини, номларини биз тирикларга етказишдек, марҳумлар руҳларини шод этишдек эзгу мақсад йўлида тинмай меҳнат қилишмоқда.

Рустам ШОЖАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг
махсус мухбири.

Тошкент-Чернигов-Киев-Тошкент.

Суратлар МУАЛЛИФНИКИ.





• *Санъаткорлар даврасида* •

УНВОНИ БЎЛМАСА ҲАМ...

ҲАР бир актёр ёки актрисанинг ижодий фаолияти томошабин томонидан диққат билан кузатилиб, унинг ижрочилик маҳорати холисона баҳоланади. Санъаткор учун мухлислар қалбига йўл топа олиш катта бахтдир. Ана шундай жиддий ҳаётий синовдан дадил қадамлар билан ўтиб келаётган, ўз ижроси ва овози билан томошабинлар таҳсинига сазовор бўлаётган актрисалардан бири камтарин ижодкор Машрабхон Ориповадир.

Бу актриса саҳнага доим кўтаринки руҳ, завқ-шавқ билан чиқади. Ўз қаҳрамонининг энг муҳим хусусиятлари ва ички ҳолатини чуқур драматик талқин этиши билан кишини қувонтиради. Унда ўзи яратаётган образнинг ўзига хос қирраларини тезда пайқаб олиш кучли. Машрабхон Ориповонинг қаҳрамонлари ҳоҳ ҳажвий, ҳоҳ драматик бўлсин, томошабинни бефарқ қолдирмайди.

Ота-онасидан эрта етим қолган ёш қизалоқ опаси Робихон қўлида тарбияланади. Опаси актриса бўлгани сабабли кичкина Машрабхон у билан бирга театрга бориб, ҳамиша саҳна ортида ўтирар ва спектакларнинг бирортасини ҳам қолдирмай томоша қиларди. Саҳнадаги воқеалар уни тўлқинлантирар, қизалоқ эса ўзини турфа томошалар ичида юргандек ҳис қиларди. Шунинг учунми, унинг саҳнага бўлган ҳаваси режиссёрлар диққатини ўзига тортди ва унга аста-секин қизчалар ролини топширадиган бўлдилар. Шундай қилиб, у 1938 йилдан бошлаб опаси билан бирга театрда ишлай бошлади.

Кунларнинг бирида Усмон Юсупов уни саҳнада кўриб, қизчанинг кўнгироқдек овоз билан айтаётган ашулаларига маҳлиё бўлади. Ундан келажакда яхши санъаткор етишиб чиқишига ишонгач спектаклдан сўнг ёнига чақириб, «қизим, мен сени Тошкентга олиб кетаман, сен албатта ўқишинг зарур» дейди. Опасининг қаршилигига қарамай Машрабхон Тошкентга келади. 1949 йилда Москва опера студиясини тугатиб Тошкент санъат институтига ўқишга киради. Мазкур илм даргоҳини 1953 йилда тугатади. Шу йилдан бошлаб она шаҳри — Қўқон мусиқали драма ва комедия театрига ишга келади. У театр саҳнасида илк бор «Қурбон Умаров» спектаклидаги Зеби ролини ижро этади. Актриса ўз устида тинмай ишлаши, меҳнатсеварлиги туфайли кўлами кенг турли образлар яратиб, томошабин эътиборини қозонди. Режиссёрлар бош ролларни унга ишониб топшира бошладилар. Жумладан, «Лайли ва Мажнун»даги Лайли, «Нурхон»даги Нурхон, «Азиз ва Санам»даги Санам, «Холисхон»даги Холисхон, «Ватан ишқи»даги Зулфия роллари фикримизнинг далилидир. Эркпарвар бу аёллар образининг ҳаққоний талқини уларнинг озодлик учун кураши ва маънавий гўзалликларини тараннум этди.

Суратда: М. Орипова [чапдан биринчи] «Фармонбиби аразлади» спектаклидаги Башорат ролида.

М. Ориповани 1958 йили Тошкентга мақомчилар ансамблига ишга таклиф этдилар. У хонанда сифатида қатор қўшиқларни маҳорат билан ижро этиб, қўшиқчилик санъатига ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўша олди. 1968 йилдан эса Ҳамза номидаги ўзбек давлат академик драма театрида актерлик фаолиятини давом эттира бошлади. У театр саҳнасида яратган рангбаранг образларида ўз имкониятларини янада кенгроқ намоён этди. Айниқса, Эркин Воҳидовнинг «Олтин девор» пьесаси асосида саҳналаштирилган спектаклдаги Шафоат образи актриса ижодида алоҳида ўрин тутади. Бойлик орттиришга муккасидан кетган ва бу йўлда ҳеч нарсадан тап тортмайдиган Шафоатнинг хулқи, ҳатти-ҳаракати, бемаза қилиқларини очиб беришда ижрочи маҳоратига тан бермай илож йўқ.

Актриса 1987 йилдан буён А. Ҳидоятов номидаги ўзбек давлат драма театрида ижод қилмоқда. Унинг шу кунларда яратган йирик образларидан бири «Алвидо, ҳаёт» спектаклидаги Серафима Ильиничнадир. Бу образ актриса ижросида ўзига хос талқин топиб, ундаги драматик ва комик ҳолатлар моҳирона ифодаланган. Шунингдек у «Фармонбиби аразлади»да Башорат, «Паранжи сирлари»да Тўлахоннинг онаси ролларини ижро этмоқда.

Бу заҳматкаш фидойи актрисанинг саҳнага илк бор қадам қўйганига ҳам эллик йилдан ошибди. Ўз умрини санъатга бағишлаган Машрабхон Орипова унвони бўлмаса ҳам халқнинг дилида, эл эъзозида. Умр йўлдоши — Узбекистон ССЖ халқ артисти Тўйчи Орипов билан бирга ҳормай-толмай меҳнат қилиб келаётган камтарин санъаткорга ҳамиша соғ бўлинг, томошабинларни янги-янги ролларингиз билан хушнуд этаверинг, деб илиқ истаклар билдиргимиз келади.

Моҳина АШИРОВА,
санъатшунос.

• *Чайқовчилик—жамиятимиз иллати* •

ХАЛҚНИКИ БИРОВГА БУЮРМАЙДИ

Бу машиналарнинг нархи осмонда.

Ҳозир мамлакатимизда иқтисодий аҳвол таранглашиб турибди. Пештахталар бўм-бўш. Ҳатто гугурт, туз сингари кундалик эҳтиёж моллари қаёққадир «гумдон» бўлган. Баъзи онлалар ҳафталаб гўштсиз қозон қайнатишади. Лекин, бу танглик — йўқчиликдан чайқовчилар, олиб-сотарлар асло зиён кўришгани йўқ. Улар «Энди биз даврнинг сурадиган замон келди», деб енг шимариб ишга киришдилар. Қарангки, ана шу «зулук»лар халқ кундузи чироқ ёқиб тополмаётган буюмларни ўз бозорларида оғизларига келган нархда пулламоқдалар. Худди ана шу нусхалар халқ хўжалигидаги аҳволни яхшилашга, бозор иқтисодиётига ўтишимизга кўндаланг туриб олишмоқда.

Шунинг учун ҳам кенг жамоатчиликнинг чайқовчиликка, савдодаги пораканда-ликка қарши курашни қатъий кучайтириш борасидаги талаблари ҳақлидир. Чунки, халқ ваҳима, миш-мишлардан обдон чарчади, ваъдаларга ишонмай қўйди. У жамиятимиз иллатларига зарба берадиган кучлироқ қонунни кутаётган эди. М. С. Горбачев ССЖИ сессиясида сўзлаган нутқида ана шу ҳақда ўз фикрини айтди, мамлакатни қамраб олган уюшган жиноятчиликка, пинҳона иқтисодиётга, чайқовчиликка ва бошқа жиноий фаолият кўринишларига қарши курашиш учун Президент ҳузурида махсус маҳкама тузиш назарда тутилаётганлигини таъкидлади. Жумҳуриятимизда ҳам савдодаги суиистеъмоллар ва чайқовчилик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида Қонун қабул қилинди. Қисқаси, чайқовчилар ва жиноятчилар оламига муросасиз кураш бошланди.

Чайқовчи Д. Маматқулова.

Яқинда Тошкент шаҳар БХСС бўлими оператив ходимлари Тошкент отчопарида рейд ўтказдилар.

Отчопардаги саноат моллари бозори. Ҳар якшанба куни йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъий назар, бу ер ҳамиша гавжум бўлади. Олди-сотди ишлари хўроз қўндоқдан тушмасдан бошланади. Рейдда «тузоқ»ка тушганлардан бири 28 ёшли Ринат Бахтигареев бўлди. У Сергели темир-бетон буюмлари корхонасида ишчи. Иккинчи «касб»ини кўпчилик билмайди. Чайқов бозорининг тажрибали вакиллари қаторига киради. Тинтув пайтида Ринатнинг ёнидан 600 сўм пул чиқди. Қаранг-ки, биз ўзимизда ишлаб чиқарилган оддий супургига ҳам чет эл тамғаси босилса, талашиб-тортишиб олаверамиз. Чунки, ўзимизда сифатга эътибор берилмаслигини биламиз-да. Бўлмаса, Ринат Покистонда тайёрланган, нархи 35 сўмлик эркаклар спорт костюмини 300 сўмдан, Болгарияда тикилган нархи 8 сўм 50 тийинлик эркаклар кўйлагини 30 сўмдан пулламасди. Чет элликлар сақич чайнашда ҳам биздан ўтиб кетишибди. Уларнинг ана шу арзимаган матоҳлари бизда фалон пул. Ишчи-чайқовчида бундай сақичлардан 500 донаси бор экан.

Олмалиқдаги «Миришкор» кафесининг қандолатчиси Доно Маматқулова «миришкор» чайқовчилар хилидан ҳам экан. Унинг бозорга олиб келган «маҳсулот»лари орасида Югославия, Покистон, Ҳиндистон, Америка, Венгрия каби чет эл мамлакатлари фирмаларида тайёрланган, бу ерда совет кишилари кўзини қуйдирадиган буюмлар сероб. Доно оғироёқ бўлса-да, зарурат юзасидан ноилож отчопарга келибди. «Ноилож» чайқовчи 65 сўмлик чет эл жемперини 280 сўмга пуллади.

Чайқов бозорими бошқа жумҳуриятдаги чайқовчиларни ўзига оҳанрабодек тортмоқда. Мана, душанбелик Алексей Вихарев кўзлари «олма-кесак» териб, «қизил шапка»ларни кўрганда ранги оқариб юрибди. У Сурияда тайёрланган 60 дона эркаклар чўмилиш трусигининг ҳар бирин 15 сўмдан (давлат баҳоси 3 сўм) пуллаётганда ушланди. «Саёҳатчи»нинг чўнтагидан 180 сўм пул, хуржунидан эса бир талай ноёб моллар топилди.

Отчопар ёнидаги милиция пунктининг «ҳурматли меҳмон»ларидан бири Шоу Цзян Лин билан танишамиз. Ғалаба ноҳияси, «Коммунизм тонги» жамоа хўжалигида яшовчи бу қария яқинда Хитой сафаридан қайтиб келибди. У ерда 50 дона «Шарп», «Аврора», «ЕХ—298» маркали ихчам ҳисоблаш калькуляторлари, кўп миқдорда сигарет тутатгичларни сотиб олибди. Ишбилармон қарияни божхона ходимлари қийнамасдан ўтказиб юборишгани ажабланарли. Лин халтасидан 29 та калькулятор, 13 дона тутатгич, 300 сўм пул топилди. У калькуляторларни москвалик иқтисодчи Димитрий Царьковга 80 сўмдан сотаётганда қўлга тушди.

Олмалиқдаги 354-кўчма механизациялашган колонна сувоқчиси Таисия Аҳмедова олдига бир дунё пайпоқ, ич кийимлар, спорт либосларини ёйиб қўйиб, ширин ҳаёллалга берилиб ўтирганда милиция ходимлари келиб қолишди...

Отчопарда енгил автомашина бозори ҳам чаққон. Бу ердан оддий мотоциклдан тортиб, «Мерседес», «Шкода», «Волво», «Тойота», «Хонда» сингари машҳур чет эл машиналаригача бор.

— «Тойота»га қанча сўрайсиз?

— 180 «кусок» берасиз, келишамиз...

Ҳа, хорижий енгил автомашиналар нархи 150—200 минг сўмгача кўтарилиб кетибди.

Чилонзор ноҳия халқ судининг сайёр ҳайъатида отчопарга ҳовлиқиб-чопиб келиб, «тузоқ»қа илинган чайқовчи, олиб сотарлар қилмишлари кўриб чиқилади. Ўтган йили 350 минг сўмлик турли хил буюм давлат фойдасига мусодара қилинди. Шу йилнинг 11 ойи мобайнида эса мусодара қилинган буюмлар миқдори 500 минг сўмдан ошиб кетди.

Ҳозир текширишда қўлга тушган чайқовчилар устидан дастлабки тергов ишлари бошланди.

Ҳуқуқ-тартибот ходимлари озиқ-овқат маҳсулотлари билан яширинча савдо қилаётган бир гуруҳ савдо ходимлари ҳамда уларнинг кўмакчилари фаолиятларига чек қўйдилар. Шаҳар БХСС ходимлари уларни жиноят устида қўлга туширдилар.

Ўзингиз биласиз, шу кунларда сигарет отлиқ тутун, самолёт минганга ҳам топилмайди. Лекин, катта йўл ёқаларида, баъзан пинҳона жойларда қимматбаҳо сигаретлар бемалол чайқов нархида пулланяпти. 19 ноябрь куни шаҳардаги болалар боғчаларидан бирининг қоровули А. Б. «Олой» бозорида «Родопи» сигаретининг ҳар қутисини 3 сўмдан сотаётганда ушланди. Оржоникидзе ноҳиясидаги «Коммунист» жамоа хўжалиги ишчиси шу ноҳиядаги Гулистон матлубот жамиятига қарашли дўконлардан бирининг сотувчисидан устама нархда 90 килограмм «Ҳинд чойи» сотиб олиб, чайқовга олиб чиқди.

Бошқирдистондан Тошкентга меҳмон бўлиб келган В. Б. қариндошларникида бироз нафас ростлагач, чайқовчиликни ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшиб кетишга аҳд қилди. У Ҳамза ноҳиясидаги озиқ-овқат магазинларидан бирининг ишчиси З. Э. дан 150 дона «Ўзбекистон» виносини кўтарасига сотиб олди. Устакор «меҳмон»имиз Тошкентда меҳмонларга индашмаса керак, деган ўйда виноларнинг ҳар бир шишасини 6 сўмдан таласи қилиб юборди. Лекин, милиция ходимлари юз-хотир қилиб ўтиришмади: чайқовчининг қўлидан ушлаб, керакли жойга олиб бориб қўйишди.

(Изоҳ: биз юқорида қўлга тушган кишиларнинг исм-фамилияларини тергов манфаатларини кўзлаб, тўлиқ ёзмадик).

Хуллас, халқники бировга ҳеч қачон буюрмайди. Бизда «тешиб чиқсин», деган ибора бекорга айтилмаган. Меҳнатсиз даромад топишга иштиёқманд нусхалар осон қўлга киритилган пулларни санаётганларида, ўзларининг давру давронли кунлари қанча қолганлигини ҳам санаш ёдларидан чиқмасин.

Чунки, чайқовчиликка қарши бошланган эндиги ҳужум муросасиз бўлади.

М. НУРИДДИНОВ.

Ринат Бахтигареев инма қилишга ҳайрон.
Муаллиф суратлари.

Сизда қандай янгилик бор

А. Д. АБДУРАҲИМОВ, «Узбектелефильм» студияси директори:

— Шу кунларда кўп миллионли телетомошабинларга намойиш қилиш учун тайёрлаётган икки фильммиз тўғрисида тўхталмоқчиман. Соловьев қаламига мансуб асар асосида яратилаётган «Осойишталикни бузувчи» картинасини суратга олишни режиссёр Э. Давидов ва оператор Н. Герасимовлар яқин кунларда ниҳоясига етказишади. Хўжа Насриддиннинг янги саргузаштлари ҳақидаги бу мусиқали фильмдаги бош ролни актёр Рустам Саъдуллаев ижро этмоқда. Картина директори Р. Файзуллаевдир.

Бундан ташқари режиссёр Аброр Қосимов оператор Бахтиёр Назруллаев билан ҳамкорликда «Гулистондан жудо» номли тўла метражли бадиий фильмни суратга олишмоқда. Мазкур картина кўпчиликка маълум «Йўл бўлсин» фильмининг давоми ҳисобланиб, дўстлик ва севгини мадҳ этувчи тарихий асардир. Фильмдаги асосий қаҳрамон образини Тамила Қосимова яратмоқда. Картина директори Абдуҳаким Ҳамидов.

Булардан ташқари студиямизда тўла метражли «Фожианинг бошланган қаерда?» номли аёлларимизнинг оғир қисматлари ҳақидаги ҳужжатли фильм ҳам суратга олинмоқда. Шунингдек режиссёр Темур Аҳмадхўжаев мутафаккир шоир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб ҳужжатли фильм яратмоқда.

Юқорида номлари тилга олинган барча бадиий ва ҳужжатли асарлар телетомошабинлар ҳукмига яқин орада ҳавола этилади.

ОММАЛАШСИН!

ХОНАДОНДА БОЛАЛАР БОҒЧАСИ

Янгийўл шаҳрида яшовчи шофер Ғуломқодир Усмоналиевнинг уйида 3-болалар боғчасининг тармоғи сифатида хонадон-боғча очилди. Уй бекаси Насиба Усмоналиева 7 нафар болани тарбиялашга киришди. Боғчага зарур анжомлар, ўйинчоқлар келтирилди, озиқ-овқат билан таъминланяпти.

Ҳозир шаҳардаги мавжуд 23 та боғчада 4 мингдан ортиқ бола тарбияланмоқда. Икки минг бола эса навбатда турибди. Ўринлар етишмаяпти. Шаҳар Совети хонадон боғчалар тармоғини кенгайтириш, хусусий уйларни сотиб олиб боғчаларга айлантириш йўли билан бу муаммони қисман бўлсада ҳал қилиш тадбирларини амалга оширмоқда.

(ЎзТАГ).

Муҳаррир
Н. НАСИМОВ.

ЭЪЛОНЛАР БУРЧАГИ

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»
В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ССЖИ ХАЛҚЛАРИ ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
7 декабрь соат 19.30 да
8, 9 декабрь соат 16 ва 19.30 да

«ДЎСТЛИК ТАРОНАЛАРИ»

«ҚИЗИҚЧИ—90» КУРИГИНИНГ ҒОЛИБИ, ЛЕНИНОБОДЛИК КУЛГИ УСТАСИ
ҲОЖИБОЙ ТОЖИБОЕВ
Тожикистон ССЖда хизмат кўрсатган артист
ҚОДИРЖОН МИРАШУРОВ
(7—8 декабрда)
хушовоз хонанда
АБДУРАУФ ОЛИМОВ
(9 декабрда)
ИЖРОСИДА
КУЙ ВА ҚЎШИҚ БАЗМИ

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 41-74-30, 15-92-13.

ҲАММА ХОҲЛОВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!
Вўстонлиқ курорт зонасида ноанъанавий усуллар билан даволаш маркази
«САЛОМАТЛИК МАКТАБИ»
ОЧИЛДИ
УНИНГ ДАСТУРИДА:
— ушу (цигун ва йог) машқларидан фойдаланилган ҳолда бевосита, шарқ ва классик массажлар курсларини ташкил этиш;
— даволаш-соғломлаштириш таомили (пишлоқхўрлик, қўкатхўрлик, озиш-пархез терапияси), ҳаракат фаоллиги ва нафас олиш машқлари (ушу, йог, массаж, ўз-ўзини массаж қилиш гимнастикаси, пиёда сайр қилиш ва ҳоказолар), чиниқиш тадбирлари (қуёш нуридан баҳра олиш, ҳаво ваннаси, сувдан фойдаланиш, оёқларга юриш), мустақил машғулотлар ўтиш (аутоген машқи, медитация, асабни назорат қилиш ва ҳоказолар) асосида соғайиш ва дам олишни ташкил этиш.
Сизлар «Саломатлик мактаби» зонасидаги диққатга сазовор жойлар билан танишиш, пиёда сайрга чиқиш, Чорвоқ сув омборида катерда сайр қилиш, гид бошчилигида барча қизиқарли жойларга сафар қилиш имкониятига эга бўласиз.
Курслар гуруҳларнинг тўлишига қараб иш бошлайди.
Йўлланма қиймати таълим олиш, соғайиш ва гувоҳнома бериш билан бирга — 300 сўм, саломатлик гуруҳида таълим олинмаган тақдирда — 200 сўм.
Қуйидаги манзилгоҳга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳри, Қодирий кўчаси 13-уй, «Билим» жамиятининг вилоят ташкилоти. **Телефон:** 44-58-51, 44-55-69.

ЯХШИ УЙ БЕКАСИ:

— ҳеч қачон хўжалик эҳтиёжлари ёки таом тайёрлаш учун керагидан ортиқ сувни иситмайди ва қайнатмайди;
— сув қайнаб чиққан заҳоти газ алангасини иложи борича пасайтириб қўяди;
— идиш-товоқлар, ёнгичлар, газ асбобларини тоза тутади.
ГАЗДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШГА ОИД ЯНА БИР НЕЧА ҚОИДАЛАРНИ ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:
— таом тайёрланганда идишнинг қопқоғини ёпиб қўйинг. Бу усулда овқат пиширишда 15 фоизгача миқдордаги газ тежалади. Кўпинча газ қайнатадиган кастрюллардан фойдаланишга ҳаракат қилинг;
— оқар сувли сувиситгичлардаги сувни ҳаддан ташқари иситиб юборманг. Бу фақат газни тежабгина қолмасдан, балки газ асбобининг хизмат қилиш муддатини ҳам узайтиради;
— хоналарни иситиш учун газ плиталаридан фойдаланманг. Бу усул фақат самарасизгина эмас, балки ҳаёт учун хавфли ҳамдир;
— зарурат бўлмаганда иситиш асбобларидан фойдаланманг;
— совуқ кунлар бошлангунча ертўлалар ва иситилмайдиган биноларидан ўтган иситиш системаларини қувурларнинг бинолар ташқарисида ётқизилган қисми ва кенгайтириш бакчаларини ажратиб, ўраб қўйинг;
— дераза ромларининг тирқишларини беркитиб қўйинг;
— уйдан чиқиб кетаётиб, эшик-деразаларни зичлаб беркитинг.
ЕДИНГИЗДА БУЛСИН!
Газдан тежаб-тергаб фойдаланиш газ таъминотининг ишончлилигини юксалтиради ва унинг узлуксизлигини кафолатлайди.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ГАЗЛАШТИРИШ БОШҚАРМАСИ.
«ЭРА» ТАЖРИБАВИЙ РЕКЛАМА-ИШЛАБ ЧИҚАРИШ АГЕНТЛИГИ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КУЧАСИ, 32.

МУҲАРРИР ўринбосарлари — 335885, 325747, 325748, 337916; масъул котиб — 334808, 325353; масъул котиб ўринбосарлари — 325750; БЎЛИМЛАР: мафкура — 325778, деҳқончилик-саноат — 325647; саноат, қурилиш ва транспорт — 325749; маҳаллий Советлар ҳаёти — 325645; ижтимоий масалалар — 325556; маданият — 325767; адабиёт ва санъат — 325553; ахборот, ҳарбий-ватанпарварлик — 325733, хатлар ва оммавий ишлар —334048, 325354; жамоатчи кенгаш қабулхонаси — 334048, 325354; эълонлар бўлими — 325727.

Д.—1932. Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс: 64684.

1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12